



Хоразм маликининг исми Чигон эди. Унинг Харзад номли укаси бор эди. Чигон унга голиб келиб, бутун хокимиятни ўз кўлига олган эди. Агар Чигон чиройли чўри ёки гўзал мато олганини эшитса, Харзад дархол одам юбориб, уни тортиб олар, ҳеч ким қаршилиқ қила олмасди. Агар одамлар бу ҳақда Чигонга шикоят қилса, у:

— Мен унга ҳеч нарса дейолмайман, — дер эди.

Чигон ҳам унинг зулмидан безор бўлган эди. Аммо бу иш узок давом этганидан сўнг, Чигоннинг тоқати тугади. У махфий равишда Кутайбага хабар юборди ва ҳатто Хоразмнинг учта шаҳри қалитларини ҳам юборди. Шу билан бирга, Кутайбага:

— Агар Хоразмга бориб, укамни ўлдирсанг, сенга нима истасанг, шуни бераман! — деди. Аммо бу хабарни ҳеч кимга ошқор этмади.

Кутайбанинг юриши

Бу хабар Кутайбага етиб келганда, газот пайти эди. Кутайба ўз қавмига:

— Сўгд юришига кетяпмиз, — деди ва Чигоннинг одамини қайтарди.

Бу пайтда Харзадга:

— Кутайба Сўгд урушига кетаётган экан, — деб хабар беришди. Харзад жуда хурсанд бўлиб, ўз кавмига:

— Бу йил жангдан омон колдик. Кутайба Сўгдга кетяпти. Биз ҳам халоватимизни килайлик! — деди.

Аммо Кутайбанинг унинг устидан келишини билмас эди. Кутайба 1000 отлик билан Хоразмнинг энг катта шахри — Мадинатул-Фил шахрига келиб колди.

Кутайба шахарга кирганида, Хоразм халки кўркиб кетди. Кутайба тўгри Чигоннинг олдига келди. Шу вақтда Харзадга шошилиш хабар келди:

— Сен халигача беҳабарсан! Кутайба келиб, дунёни вайрон килди!

Харзад бу иш Чигон томонидан амалга оширилганини тушуниб, уни ўлдирмокчи бўлди. Лекин бундай имконият тополмади. Харбийлари билан Мадинатул-Филга етиб келди, аммо лол қолиб, нима қилишни билмади. Охири Кутайбага омонлик сўраб одам юборди.

Кутайба:

— Омонликни укангдан сўра. Агар у рози бўлса, мендан ҳеч хавотирланма! — деди.

Бу сўзни эшитиб, Харзад:

— Менга энди факат ўлим тўгри келади. Укамга бўйсунитдан кўра, ўлиш яхшироқ! — деди.

Харзаднинг ўлими

Шу билан Харзад урушни бошлади. Бир соат давом этган жангдан кейин, уни асир олиб, Кутайбага олиб келишди. Кутайба ундан сўради:

— Ўзингни қандай ҳис қиляпсан?

Харзад жавоб берди:

— Эй Амир, мени айблама. Мен қўлимга қилич олганимнинг сабаби, орамизда бир қарор чиқиши кераклиги эди. Энди имкон сенинг қўлингда. Нима хоҳласанг, шуни қил!

Шунда Кутайба:

— Унинг бўйинини уринг! — деб буюрди.

Харзадни ташқарига олиб чиқиб, бошини танасидан жудо қилишди.

Чигоннинг талаблари

Шу пайтда Чигон:

— Эй Амир! Хали қўнғлим тинчимас! — деди.

Кутайба:

— Хали нима истайсан?

Чигон:

— У билан бирга бўлганларнинг хаммасини ўлдиришингни хоҳлайман!

Кутайба:

— Хаммасини менинг олдимга йиг. Мен ўлдираман.

Чигон уларни йигиб, Кутайбага олиб келди. Кутайба уларнинг барчасини ўлдирди ва мол-мулкларини мусодара килди.

Чигоннинг келишувга биноан Кутайбага 1000 та асир ва минглаб мато бериши керак эди. Кутайба Мадинатул-Филга кириб, моли-мулкларни қабул килди. Чигон Кутайбадан ёрдам сўради, чунки Жом-и Хуп малики доим Чигон билан жанг килади ва уни безовта килар эди.

Кутайба Абдурахмонни ёрдам сифатида юборди. У бориб, халиги маликини ўлдирди.

Кўшимча киргин

Чигон янги ҳудудларни босиб олиб, 4000 кишини асирга олди. Кутайба эса буюрди, уларнинг барчаси қатл қилинди.

Бу воқеа Кутайба ибн Муслимнинг Хоразмни забт этиши ва унинг сиёсий устунлиги ҳақида ҳикоя қилади. Умавийлар давридаги бу юришлар, айникса, Марказий Осиёда ислом динининг тарқалишига катта таъсир кўрсатган.

"Тарихи Табарий" китобидан
Абу Муслим таржимаси